

*Ходжамуратова Гулбахар Юлдашевна –  
ТДИУ и.ф.н.доц.  
Вафоева Дилафруз Икромовна –  
ТДИУ докторанти*

### **ТЎҚИМАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ТАҲЛИЛИ**

*Аннотация.* Мақолада Ўзбекистонда тўқимачилик саноати корхоналари рақобатбардошлигини оширишга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилган. Шунингдек, "OSTEX COLOR" маъсулияти чекланган жамиятда замонавий бошқариш стратегияларини қўллаш орқали, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш масалалари ёритилган.

*Калит сўзлар:* тўқимачилик, ишлаб чиқариш, рақобат, рақобатбардош маҳсулот, стратегия, экспорт.

*Ходжамуратова Гулбахар Юлдашевна –  
ТГЭУ.кэн.доц.  
Вафоева Дилафруз Икромовна –  
ТГЭУ докторант*

### **АНАЛИЗ ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТЬ ТЕКСТИЛЬНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ**

*Аннотация.* В статье анализируются факторы, влияющие на конкурентоспособность текстильных предприятий Узбекистана. Также освещены вопросы повышения эффективности производства в ООО "OSTEX COLOR" за счет использования современных управленческих стратегий.

*Ключевые слова:* текстиль, производство, конкуренция, конкурентоспособный продукт, стратегия, экспорт

*Khodjamuratova Gulbakhar Yuldashevna –  
TSUE.ces.assistant professor  
Vafoeva Dilafruz Ikromovna –  
TSUE doctoral student*

### **ANALYSIS FACTORS INFLUENCING THE COMPETITIVENESS OF TEXTILE ENTERPRISES**

*Annotation.* In the paper has been investigated the problems of increasing the competitiveness of textile enterprises in Uzbekistan are justified and based on the effectiveness of the use of modern strategic management of textile enterprises.

*Keywords:* management, textiles, light industry, modern management, competitive product, strategies, innovations, export.

**Кириш.** Ўзбекистон Республикаси ўзининг мустақил тараққиёт йўлига асосланган ҳолда бозор иқтисодиётига тўла ишонч билан кириб бормоқда. Мустақилликнинг ўтган даври мобайнида миллий иқтисодиётимиз барқарор ривожланиб, унинг кўплаб соҳаларида ўсишга эришилди. Жамият тараққиётининг барча жабҳаларида, жумладан, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маданий-маърифий соҳаларда ислохотлар амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда бир қатор ижобий ўзгаришлар рўй берди.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноатининг ривожланиши, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктураси соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, янада барқарор ва жадал ривожланиши механизмларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишни тақозо этмоқда. Бу эса тўқимачилик саноатида корхоналар сонини

кўплиги, истеъмолчилар талабининг ўзгарувчанлиги, импорт маҳсулотларни кириб келиши, давлатнинг олиб бораётган сиёсати кучли рақобатни вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Шуни ҳисобга олиб тўқимачилик саноатида кластерларнинг жорий этилиши ва бу орқали яратилаётган ярим тайёр маҳсулотларни айнан шу ернинг ўзида тайёр маҳсулот ҳолига келтирилган ҳолда, уни жаҳон бозорига олиб чиқиш орқали енгил саноат маҳсулотлари етказиб берувчи экспортёр сифатида танилиши учун ҳам кенг имкониятларимиз борлигини таъкидлашимиз зарур.

Мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг юқори ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва ўзлаштириш, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш, модернизация қилишнинг стратегик муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳа-

ларини амалга ошириш ҳисобига, юқори технологияли янги иш ўринларини яратиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш, илғор “кластер модели”ни жорий этишга қаратилган таркибий қайта ташкил этишни янада чуқурлаштириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2017 йил 14 декабрда ПФ-5285 - сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида «тўқимачилик саноатининг иқтисодийетидаги улишини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотларининг, энг аввало, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажми ва сифатини ошириш, тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини илғор менежмент технологиялари, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама кўмаклашиш ва қўллаб - қувватлашнинг, шу жумладан уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шаклларини жорий этган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш» каби амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар белгиланган.[1]

**Адабиётлар шарҳи.** Майкл Портер ўзининг “Рақобатбардош устунстунликлар” қўлланмасида қуйидагиларни айтиб ўтади: ҳар қандай бизнесни бошқаришда тушиниш, уларда бўлаётган жараёнлар нисбий қийматини ва компанияларни дифференциялашдаги ролини баҳолашга имкон берадиган методологияни яратиш муҳим. Харидорлар маълум бир маҳсулот ёки хизмат учун тўлашга тайёр бўлган нарх ва ушбу маҳсулотни яратиш жараёнида барча жараёнлар нархи ўртасидаги фарқ компания фойдасини белгилайди. Бу жиҳатдан стратегия корхонани рақобатчилардан ажратиб турадиган турли хил тадбирларнинг ички изчил конфигурацияси бўлиб ҳисобланади, деб айтади.

Р.Грант эса “Замонавий стратегик таҳлил” қўлланмасида бозорда фаолият кўрсатаётган компанияларга тегишли стратегик даражадаги масаларни ҳисобга олган ҳолда, бошқарув назариясида жадал ривожланаётган ушбу соҳанинг динамикаси ва бизнес стратегиясининг муаммоларини тақдим этади. Муаллиф, мақсадга маълумотларнинг аниқ тақдимоти, ҳар қандай қиймат яратиш асосида, асосий тамойиллар

концентрацияси ва амалиёт билан бирлаштириш орқали эришилади деб айтиб ўтади.

Р.О.Алимов, А.Ф.Расулов, А.М.Қодировлар “Ўзбекистон иқтисодийетининг рақобатбардошлигини ошириш муаммолари” - мамлакатнинг рақобатбардошлигини мамлакатнинг эркин ва ҳалол рақобат шароитида жаҳон бозори талабларини қондирувчи товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш қобилияти сифатида таърифлаш мумкин деб изоҳлайди.

**Таҳлил ва натижалар.** Тўқимачилик саноати энгил саноатнинг энг муҳим соҳаси ҳисобланади. Ўзбекистонда қадимдан пахта ва ипак матоларни тўқишни билишган. Атлас, зондоначи, духоба, беқасам, олача каби матолар Буюк Ипак йўли орқали Европа ва Яқин Шарқ мамлакатларига олиб борилган. Хомашёнинг мўллиги, халқнинг тарихан ҳосил бўлган маҳорати ва ташишнинг қулайлиги XX аср ўрталарида Тошкент, Фарғона, Андижон ва Бухорода тўқимачилик корхоналарининг ташкил этилишига сабаб бўлди.

Ўзбекистонда тўқимачилик саноати нафақат иқтисодийетнинг тез ривожланаётган сегменти ҳисобланади, балки чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Шунинг учун мамлакатимиз тўқимачилари мода индустриясининг бир қисми бўлиш истагидалар. Бунинг учун улар ўз маҳсулотини такомиллаштирмоқдалар, замонавий тикувчилик ишлаб чиқаришларини очмоқдалар.

Мамлакатимизда кенг турдаги сифатли тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқарилишини ташкил этиш, унинг ишлаб чиқарилишини маҳаллийлаштиришни чуқурлаштириш, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда[2]. Шундан келиб чиқиб, тўқимачилик саноатининг жадал ривожланишини таъминлаш, юқори сифатли ва рақобатбардош тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни йирик хорижий бозорларга янада илгари суриш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президенти тўқимачилик саноатини янада ислоҳ қилишнинг муҳим йўналишлари этиб қуйидагилар белгиланишини айтиб ўтдилар[3]:

биринчидан, тўқимачилик саноатининг иқтисодийетдаги улушини ошириш, мамлакатда ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулот-

ларининг, энг аввало, юқори қўшилган қийматли рақобатбардош тўқимачилик маҳсулотларини юқори технологик ишлаб чиқаришга қайта йўналтириш орқали ҳажми ва сифатини ошириш;

иккинчидан, тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини илғор менежмент технологиялари, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан уларнинг ривожланишига тўққинлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шакллари жорий этган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш;

учинчидан, тўқимачилик саноати соҳасидаги стандартлаштириш ва сертификатлаштириш тизимини халқаро талаб ва стандартларга уйғунлаштириш, шунингдек, маҳсулотлар синнов лабораторияларини модернизация қилиш ва аккредитациядан ўтказиш орқали янада такомиллаштириш;

тўртинчидан, тармоққа тўқимачилик маҳсулотлари маҳаллий ва хорижий бозорларининг ҳолати ҳамда ривожланиш тенденциялари ҳақидаги ишончли ва ўз вақтида ахборотлар олишни таъминлаш имконини берувчи илғор ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тармоқ ривожланишининг устувор йўналишларини аниқлаш мақсадида уни тизимли ва комплекс таҳлил қилиш;

бешинчидан, пахта хом ашёсини етиштиришдан бошлаб, унга дастлабки ишлов бериш, маҳсулотни пахта тозалаш корхоналарида кейинги қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматли тайёр тўқимачилик маҳсулоти чиқариш босқичигача бўлган ишлаб чиқаришни интеграция қилишни назарда тутувчи ривожланишнинг кластер моделини амалга ошириш;

олтинчидан, хом ашё ресурслари тақсимотининг мутаносиблиги ва ташкил этилаётган тармоқ корхоналарининг логистика ва муҳандислик инфратузилмасини ривожлантириш билан ўзаро узвий боғлиқликда, шу жумладан кўп функцияли транспорт-логистика хабларини қуриш, юкларни етказишнинг оптимал йўналишлари ҳамда йўлакларини танлаш, шунингдек, транспортда юк ташиш тарифларини оптималлаштириш орқали жойлашувини таъминлаш;

еттинчидан, юқори сифатли тайёр тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспортини кенгайтириш, миллий брендларни жаҳон бозорларига илгари суриш мақсадида ишлаб чиқариш жараёнига илғор инновацион технологиялар, ноу-хоу, дизайнерлик ишланмаларини кенг жорий этиш, фурнитура ва аксессуарларнинг замонавий намуналарини ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

саккизинчидан, талаб юқори бўлган мутахассисликлар бўйича йўналишларни кенгайтирган ҳолда тўқимачилик саноати учун кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини тубдан такомиллаштириш.

Республика иқтисодиётини барқарор ривожланиши учун аввало ҳудудларда тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналарни ташкил этиш, мавжуд қувватлардан тўлоқонли фойдаланиш, корхоналарнинг рақобатбардошлигини таъминлаш долзарб масалалардан ҳисобланади. Жаҳон мамлакатларида ривожланиб бораётган тўқимачилик саноатини мамлакатда ривожлантириш бўйича кўплаб имкониятлар мавжуд. Ўзбекистон кўп йиллар давомида пахта толасини экспорт қилувчи мамлакатлар орасида 3-ўринда турган, йилдан-йилга мамлакатда тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ортиши кузатилиб, пахта толаси экспортини қисқаришга эришилмоқда. Бу албатта ижобий ҳолат ҳисобланади, шунингдек мамлакатда тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосий эътиборини қаратиш орқали жаҳон бозорида рақобатбардош таъминотчи сифатида мавқеига эга бўлиш учун улкан имкониятлар мавжуд.

Тўқимачилик корхоналарининг ривожланиши тармоқни ривожлантиришни устувор йўналишларини белгилаб беради. Бу эса ўз навбатида пахта толасини чуқур қайта ишлаш қувватларини ташкил этиш ва маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини оширишни тақозо этади[4]. Тармоқни ривожлантиришни устувор йўналишлари 1-расмда акс эттирилган.

Тўқимачилик саноати структурасига кىрувчи тармоқлар бир – бирларидан нафақат ишлаб чиқараётган маҳсулотлари, балки бу тармоқ корхоналарида қўлланилаётган техника ва технология, хомашё, харажатлар ва бошқа техник - иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ҳам кескин фарқ қилади. Тармоқ корхоналарида ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш йўналишлари:


1. Корхоналарни хом ашё билан тўлиқ таъминлаш.
2. Ишчи-хизматчиларнинг малакасини ошириш, замонавий дастгоҳларда самарали ишлашини таъминлаш.
3. Дастгоҳларнинг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш.
4. Ички тўхташларга барҳам бериш.

Тўқимачилик саноати республикамиз иқтисодиётининг истиқболдаги тармоқларидан бири сифатида ўз ичига тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи бир нечта тармоқларни олади ва шу билан бир қаторда унда иш билан таъминланган аҳолининг каттагина қисми банд, бу ўз

## КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ВА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

навбатида аҳолини иш билан таъминлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Лекин шу билан бирга тўқимачилик саноати структурасининг талабга жавоб бермаслиги, ишлаб чиқариш самарадорлигининг ва маҳсулот сифатининг паст-

лиги, тармоқнинг иқтисодий ижтимоий ривожланишидаги номутоносбликлар унга ўзгартиришлар, янгиликлар киритишда комплекс ёндашувни талаб қилади.



**1-расм. Тармоқни ривожлантиришни устувор йўналишлари**

*Манба: Ўзтўқимачиликсаноат маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Бу тармоқ корхоналари фақат меҳнат сарфи катталиги билан эмас, балки ўзининг ишлаб чиқаришни жойлаштириш, филиаллар ва кичик корхоналар очиш борасида республикамизнинг деярли барча ҳудудларида эркин иш олиб борилиши билан ҳам эътиборга молик.

2019-2025 йилларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисида маълумотлар қуйидаги 1-жадвалда акс эттирилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимиз тўқимачилик саноатида 2 мингдан зиёд корхона фаолият

юритмоқда, уларда 365 минг нафар аҳоли ишлайди. Соҳанинг экспорт салоҳияти сўнгги 3 йилда 2 баравар ошди. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 1,6 миллиард долларни ташкил этди. Лекин булар ҳам ҳали етарли эмас. Соҳада резерв ва имкониятлар етарли. Хусусан, юртимизда етиштирилган пахтани тўлиқ қайта ишлаб, экспортни 15 миллиард долларга етказиш ва 3 миллиондан ортиқ аҳолини иш билан таъминлаш имконияти мавжуд.

### 2019–2025 йилларда ташкил этиладиган ишлаб чиқариш қувватлари тўғрисида маълумот

Мавжуд қувватлар (2018 й.)	Яратиладиган қувватлар (2019-2025 й.)	2025 йилда ишлаб чиқариш қувватлари
<i>Пахта толасини қайта ишлаш (минг тонна)</i>		
730,1	788,3	1518,4
<i>Калава ип (минг тонна)</i>		
634,8	655,8	1290,6
<i>шу жумладан бўялган калава ип (минг тонна)</i>		
31,1	439,4	470,5
<i>Ип газлама (млн кв.м)</i>		
546,9	1235,5	1782,4
<i>Трикотаж матоси (минг тонна)</i>		
173,9	508,6	682,5

*Манба: Ўзтўқимачиликсаноат маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

«Ўзтўқимачиликсаноат» уюшмаси таркибидаги «OSTEX COLOR» маъсулияти чекланган жамияти ҳам мамлакатимиз тўқимачилик саноатини ривожлантиришга хизмат қилаётган


корхоналардан бири ҳисобланади. OSTEX COLOR МЧЖда ҳозирги кунда 75 яқин ишчи хизматчилар ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. «OSTEX COLOR» МЧЖ корхонасини бош-

қаришнинг самарали структурасини вужудга келтириш корхона раҳбари ҳал этиши керак бўлган вазифалардан биридир. Корхона бошқарувининг ташкилий структураси - бу бўлимлар, ишловчилар ўртасидаги махсус ишлаб чиқилган алоқалар ва муносабатларнинг яхлит тизимини ўз ичига олади ва унинг доирасида ишловчи одамлар олдига қўйилган мақсадга энг самарали йўл билан эришиш вазифасини бажаради. Бошқарув жараёнининг функционал таҳлили ҳар бир функция учун иш ҳажми асосларини ташкил этади, бошқарувчилар сонини белгилайди, ва бошқарув тизимини лойиҳалаштиради.[5]

“OSTEX COLOR” МЧЖ корхона масъулияти чекланган жамият бошқарув раҳбари ва бўғимлар таркиби қуйидаги 2-расмда ўз ифодасини топган: “OSTEX COLOR” МЧЖ ипларни бўйлаб фаолияти билан шуғулланади ва унда йилига ишлаб чиқариш қуввати 3600 тоннадан ортиқ бўйланган ипни ташкил этади. Корхона таниқли SSM ва Dimenler дунёдаги ишлаб чиқарувчилар

нинг сўнгги тўқимачилик ускуналари, Zancaser қадоқлаш ускуналари билан жиҳозланган. Ипларни бўйлаб 50, 100, 200, 400, 600 ва 1200 кг бўйлаб бирликлари билан Dilmener бинони бўлинмаларида амалга оширилади.

Юмшоқ ва қаттиқ ип, иплари учун завод SSM (Швецария) дан қайта ўраш ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, унда барча бўшлиқли ғалтақдан картон конусларга бўйланган барча иплар SSM (Швецария) нинг энг замонавий ускуналари ишлатилади, парафин орқали ўтадиган технологик хусусиятларини яхшилаш учун бўйланган ипдан фойдаланилади. Zancaner қадоқлаш ускуналари тайёр маҳсулотнинг ҳар бир партиясининг автоматик режимда тўғри этикетланишини таъминлайди, бу эса товарларни партиялар билан қадоқлашда хатолар хавфини йўқ қилади. Корхона ҳозирги кунда мижозларга қулай бўлиши учун № 16 ва № 40 гача бўлган бўйланган тайёр ипларни арзон нархларда харидорларга таклиф этиб келмоқда.



**2-расм. “OSTEX COLOR” МЧЖнинг бошқарув тузилиши**

*Манба: Ўзтўқимачиликсаноат маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.*

Корхоналарининг рақобатбардошлиги кўп жиҳатдан стратегик бошқарувнинг илғор концепцияларининг киритилишига боғлиқ. Инновацион иқтисодиётга ўтиш, бир томондан, бозор муҳитининг беқарорлигига мослашувчан тезкор муносабатни талаб қилади, бошқа томондан, корхоналарнинг узоқ муддатли рақобат сиёсатини шакллантириш вазифасини амалга оширади. Маълумки, замонавий корхоналар атрофдаги ижтимоий-иқтисодий муҳитнинг ўта мураккаблиги, ноаниқлиги ва фаоллиги шароитида ишлайди. Шу билан бирга, дунё

нинг барча минтақаларида етказиб берувчилардан товарнинг барча турлари тўғрисида маълумот олиш имкониятини берадиган “шаффоф” жаҳон бозорининг пайдо бўлиши корхоналар ўртасида рақобатнинг кескин ўсишига сабаб бўлади.


Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, “OSTEX COLOR” МЧЖда, ишлаб чиқилган ва амалга ошириладиган стратегиялар корхона раҳбариятининг доимий назоратида. 3-расмда корхона стратегиясини бошқариш жараёни кўрсатилган.



## КОРХОНА ИҚТИСОДИЁТИ ВА КОРХОНАНИ БОШҚАРИШ

Корхонанинг барқарорлик стратегияни амалга ошириш жараёнини бошқариш унинг барча даражаларини, шунингдек, ҳар бири ўз ишини мустақил равишда мувофиқлаштирадиган барча қўйи тизимларни ўзаро боғлашни ўз ичига олади. Барқарорлик стратегияси бошқаришнинг ҳар бир объекти фақат унинг қўйи тизимига хос бўлган бошқариш функцияларини қамраб олади. Бошқариш объектнинг битта мезони “муваффақиятсизлиги” бошқаларга салбий таъсир қилади. Масалан, молиявий фаолиятни бошқаришдаги ўзгариш умумий ишлаб

чиқариш корхонасига таъсир қилади (маблағ етишмаслиги, ресурсларнинг етишмаслиги, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлиқ фойдаланмаслиги, ишлаб чиқариш дастурининг бажарилмаслиги), шунингдек маркетинг тизимини бошқариш (таъминот бўлими томонидан моддий ресурсларнинг етишмаслиги, маҳсулот сотилишининг паст даражаси, ассортиментнинг ўзгариши) ва молиявий тузилмани бошқариш (айланма активларнинг умумий балансдаги улушининг пасайиши, фойданинг пасайиши, тўловга қодир эмаслиги).



**3-расм. Корхона стратегиясини бошқариш жараёни**

*Манба: OSTEX COLOR МЧЖ маълумотлари муаллиф томонидан тузилган.*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг уч ой муддатда 2019-2025 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш ва республикада ишлаб чиқариладиган пахта ип-каваларнинг бутун ҳажмини қайта ишлаш ҳисобига 2025 йилга бориб тўқимачилик маҳсулотлари экспорти

ҳажмини 7 миллиард АҚШ долларига етказиш ва бу орқали жаҳон бозорларида тўқимачилик маҳсулотларимизнинг ўз ўрнига эга бўлиши катта мақсадларимиздан бири ҳисобланади. “OSTEX COLOR” маъсулияти чекланган жамиятида экспорт салоҳияти ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал).

**“OSTEX COLOR” МЧЖ нинг экспорт салоҳияти**

Давлат	Маҳсулотнинг номи	2019 йил экспорт қилинган маҳсулот(\$)	2020 йил экспорт қилинган маҳсулот (\$)
Туркия	Таралган ип 30/1	307494,84	885928,92
	Таралган ип 24/1		
Россия	Таралган ип 20/1		
	Таралган ип 40/1		
Украина	Бўялган пряжа		

*Манба: OSTEX COLOR МЧЖ маълумотлари муаллиф томонидан тузилган.*

Тўқимачилик маҳсулотларининг экспорти ҳажмларининг ошиши бевосита пахта хом ашёси экспортини ўрнига ярим тайёр маҳсулот ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариб уни қўшимча қиймат яратиш орқали экспортни ошириш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар натижасидир.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда тўқимачилик саноати нафақат иқтисодийнинг тез ривожланаётган сегменти ҳисобланади, балки чет эл инвестицияларини жалб қилиш ва маҳсулотни экспорт қилишда ҳам етакчи ўринни эгаллайди. Тўқимачилик саноатининг бошқарув тизимини илғор менежмент технологиялари, тармоқ корхоналарига ҳар томонлама кўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашнинг, шу жумладан уларнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи муаммоларни ҳал этишда самарали шакллари жорий этган ҳолда тубдан қайта кўриб чиқиш зарур.

“OSTEX COLOR” МЧЖ да ишлаб чиқариш технологияларининг жорий қилиниши, юқори самарали, замонавий ускуналардан фойдаланилиши, айти пайтда самарали бошқарувнинг ташкил этилганлиги меҳнатнинг юқори самардорлигини ва ишлаб чиқариши ҳажми ўсишини таъминлайди. Шуни таъкидлаш жоизки корхонада янги маҳсулот турларини ишлаб чиқаришга шароит яратиш, сифатга эътибор бериш, бунинг учун эса маркетинг бўлими ишини кучайтириш маркетинглар малакасини ошириш ва корхонада иқтисодий салоҳиятини ошириш мақсадида ишлаб чиқариш қувватларидан тўлақонли фойдаланиш самарадорлигини оширишга, инновацион лойиҳалар ишлаб чиқиш, ноу-хоулар яратиш эса ўз навбатида корхонанинг халқаро бозорларга чиқиш салоҳиятини оширишга ҳизмат қилади.

**Манба ва адабиётлар рўйхати:**

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрда ПФ-5285-сонли «Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони.
3. “Ўз тўқимачилик саноат” уюшма маълумотлари асосида.
4. “OSTEX COLOR” МЧЖ маълумотлари асосида.
5. www.tikuv – trikataj.uz